

БАДИЙ АСАРДА ИЖОДИЙ МЕТОДНИНГ ҒОЯ ЯРАТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Шерият Пардабой қизи Хамдамова

Чирчик давлат педагогика институти Гуманитар фанлар факультети

Ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги 2-курс магистранти

Илмий раҳбар: ф.ф.н., доц. М.С.Таджисибаев

АННОТАЦИЯ

Бадий адабиётда ижодий метод ва поэтик маҳорат мутаносиблиги борасида айтилган фикрлар адабий ижод ва бадий жараённи тўғри тушуниш, унинг юксак ғоявий имкониятларини ҳис қилишга ёрдам беради. Ушбу мақолада бир қанча ижодкорлар ва бадий ижод маҳсуллари таҳлили баён этилди, фикрлар ва мулоҳазалар билдирилди.

Калит сўзлар: Классицизм, актуаллик, синолог, поэзия, субъективизм, романтизм, Гамлет, Филипп Френо, Атомистик, реализм, рационализм, Филипп Френо, сентиментализм, герменевтизм.

ABSTRACT

Thoughts on the balance of creative method and poetic skill in fiction help to understand the creative process and the artistic process, to feel its high ideological potential. This article describes the analysis of a number of artists and artistic creations, and provides feedback and feedback.

Keywords: Classicism, Actuality, Sinology, Poetry, Subjectivism, Romanticism, Hamlet, Philipp Freno, Atomistic, Realism, Rationalism, Philipp Freno, Sentimentalism, Hermeneutic.

КИРИШ

Бадий асар таҳлилининг серқирра муносабатлари тадқиқотчининг вазифасини мураккаблаштиради. Бу борада у дастлаб асар матнининг поэтик имкониятларини белгилаб олиши зарур. Яратилган асар ўз ҳолича мустақил матнни ташкил қиласар экан, асар матни, мустақил ғоя ижодкори ҳам бўлиб қолади. Бадий асар истифодасининг муҳим нуқтаси сифатида объективлик ҳар доим ҳам асарда етакчи ўринда бўлавермайди. Романтизм адабиётида ҳаётнинг орбектив манзараси эмас, балки муаллифнинг орзулари, ҳаёт ҳақидаги ўй ва ҳислари тасвири

марказий ўринда туради. Шу муносабат билан романтик ижодда субъективизм устунлиги ҳақида гапириш мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ижодий метод сифатида романтизмнинг ҳамма халқлар адабиётидаги умумий хусусиятлари бор. Бу – воқеликка муносабат, айниқса, унинг антигуманистик моҳиятини тушуниш ва қоралаш, воқеликдан ўтмишга ёки жамият қаъридан эркин ҳаётга интилиш, шахс озодлиги учун курашиш адабиётнинг муқаддас бурчи деб тушуниш, ижодда санъаткор эркинлиги, мазмун ва шаклда ижодкор бўлиш зарурлигини тасдиқ этиш, шу муносабат билан классицизмнинг ижодий чекловчи қоидаларини улоқтиришdir.

Классицизм адабиётининг муҳим бир хусусияти – бутун асарни муаллифнинг чуқур гуманистик ғоясига ва иродасига бўйсундирилганлигидир. Бутун асар одатда битта катта ғояни ифода этади, ҳамма персонажларнинг тақдири шу ғояга муносабатда тасвир этилади. Асарнинг бундай уюштирилиши натижасида сюжетда иккинчи даражали мотивларга жой қолмайди, персонажларнинг психологияси ва тили ҳам индивидуаллаштирилмайди. Бу классицизм асарларида ҳаёт тасвирининг ва жумладан психоанализнинг чекланганлигини кўрсатади. Классицизм асари тилида “бачкана сўзлар”га жой берилмаслиги муҳим. Асар мумкин қадар юқори, кўтаринки услубда ёзилиши керак. Фикрларнинг ва ифодаларнинг нозиклиги ва гўзаллигига алоҳида эътибор берилади.

Бадиий воситаларнинг, айниқса, поэзия тилининг жуда нозиклиги ва ёркинлиги, «нуктадонлик», яъни “чиройли фикрларни ёркин ва нозик шаклда ифода эта билиш – Ғарб айниқса, Шарқ поэзиясидаги романтик тафаккурнинг энг муҳим талаблари ва ютуқларидандир. Бундай хусусиятлар романтизмнинг ҳаётдан тамоман ажralиб қолганлигини кўрсатмайди, чунки романтизм адабиётида ҳаёт воситали равишда (орзунинг реал воқеликка қарши қўйилиши тарзида) ўз ифодасини топади. Филипп Френе «Шоирга» (1788) шеърида инглиз шоири Дрейденга ҳасад қилиб, унинг руҳида, хаёлот дунёсида ижод қилишни орзу қилиб ёзади: тақдир тақозоси туфайли шавқатсиз иқлим қирғоғига ирғитилган жойда фақат бешафқат ақл-фаросат ҳукмронлик қилар экан, ҳаёлотга ўрин қолмас экан, у ерда илҳом парисига нима бор?

Европа адабиёти тарихида ХVIIIИ аср охирларида маърифатчилик реализмидан романтизмга ўтиш жараёни кузатилади. Ўтиш босқичи сентиментализм ва

предромантизм адабиёти орқали намоён бўлган. Шунга ўхшаш эволюсияни америка адабиётида Френо амалга ошириди. ХВИИИ асрнинг 70- йилларида биз унинг ижодида рационализм ҳамда Дрейден ва Попнинг онгли фикрлаш усулидан воз кечганлигини кузатамиз. Унинг шеъриятида асосий ўрин ҳиссиётга ажратиладики, айнан ҳиссиёт ижодий фантазия кенгликларига йўл очади. Бадиий тафаккур орқали борлик рангларини уқиш ва ўқиш усул ва услублари беҳисоб. Бу борада Европа адабиётшунослаrinинг тадқиқотлари эътиборга сазовор. Бадиий ғоя яратиш жараёнида муаллифнинг тип, характер ва образнинг парадигматик имкониятларидан фойдаланиш маҳорати герменевтик шароитни тўғри белгилаш имкониятини яратиб, бу ҳодиса қўплаб тадқиқотларнинг марказида турган.

Жон Голсуорсининг “Адабиётда характер яратиш” деб номланган асарида герменевтик шароит воситасида адабий образнинг индивидуал қирраларини реал тушуниш тамойиллари кўрсатиб берилган. Асарда Шекспир, Сервантес, Дюма асарлари мисолида ижодкорнинг характер яратиш имкониятлари очиб берилар экан тадқиқотчи, инсон ички ва ташки қиёфасини яратишнинг поэтик тамойилларини шакллантириш борасида эътиборли фикрларини билдиради. У ёзади: «Биографда (бу ўринда ижодкор “биограф” номи билан юритилган) бизни ҳаммадан ортиқ қойил қолдирадиган нарса – унинг ғайратидир; у зўр ғайрат билан тарих қўрғонларидан жуда катта қимматга эга бўлган майда - чуйдаларни кавлаб олади. Бу майда - чуйдалар эса скелетга ёпиширилганда эса образ яралади. Қаҳрамоннинг қайта яратилган образи ҳамиша у ёки бу даражада биограф шахсиятининг рангларига бўялган бўлади. Аммо биограф шахсиятининг ранглари қаҳрамоннинг табиий рангларини қанча кам ўзгартирса, эришилган натижа шунча юксак бўлади. Биографнинг вазифаси аллақачон мавжуд бўлган скелетга жисм ва қон ато қилишдир. Биограф ўз қаҳрамоннинг оёғини маймокроқ қўйиши, уни уч - тўртта тишидан маҳрум қилиши, умуртқасини сал эгикроқ қилиб қўйиши мумкин, бироқ у қаҳрамоннинг асосий шакл - шамойилини сақлаб қолишга мажбур. Ўзининг ишида у фактлардан ташкил топган алланечук устунга таянади ва унинг бу иши бадиий адабиётда характер яратишдан кўра тасвирий санъатдаги портрет яратишга яқинроқ туради. Шундай қилиб, биограф скелетни ёруғ дунёга олиб чиқади, уни артиб чанглардан тозалайди, деразаси шамолга қараган устахонасига кўяди. Шундан кейин уни мускул, гўшт, пай ва тери билан қоплашга киришади, бу иш битганидан кейин эса, ўзининг эстетик туйғусига ёки одоб туйғусига таяниб уни

кийинтиради. Табиийки, эстетик түйғу билан одоб түйғуси ҳамма вақт ҳам айнан бир нарса бўлавермайди. Тикувчи сифатидаги ўз хулосаларини у сон - саноқсиз хужжатлардан ёхуд бу хужжатларнинг мавжуд эмаслигидан келтириб чиқаради ва англаш қийин эмаски, унинг хизматида онг ости түйғусига қараганда онглилик бекиёс даражада катта рол ўйнайди. Биограф билан романнавис ўртасидаги иккинчи муҳим тафовут айнан шу ҳолда кўринади. Биограф бошидан охиригача қилаётган ишини онги билан назорат қилиб боради, романнавис (яъни романтик) онгли равишда ўзини онг ости түйғусининг чақинлари ихтиёрига топшириди».

Гамлетнинг типиклиги инсонда шубҳа туғдиради. Адабий анъана учун у Дон Кихотнинг зидди деб ҳисобланади: бири хаёлпараст, иккинчиси саришта рицар, бири - фикр одами, иккинчиси - ҳаракат кишиси. Аммо бундай қулай қарама- қарши қўйишни драманинг матни кўтара олармикан? Гамлет шундай бир образдирки, унда драматург худди романнависга ўхшаб ўзини девонаваш бир тарзда интроспектив метод қучоғига ташлайди, у салқам тўлалигича онг ости түйғусига тобе бўлади, бу эса муаллифни лаҳзалик қайфиятини ифода қилишга хизмат қиласди.

Биографик қисса поэтикаси ва мундарижаси хусусида ёзар экан, Ирвинг Стоун қўйидаги мисраларни қаламга олади: Агар истиора ёрдамида фикримизни билдиromoқ истасак, бу жанрнинг асаллари айсбергга ўхшаган тарзда қурилмоғи шарт, яъни унинг ўндан бир қисми адабиёт уммонининг сатҳида, ўндан тўққиз қисми эса сув остида бўлмоғи керак. Агар муаллиф қоғозга туширганига қараганда дилида ўн баробар кўпроқ нарса билмаса, унинг китоби бағоят bemaza бўлиб бўлиб чиқади,¹ негаки у қоғозга туширмай қолдирган ўндан тўққиз қисм яхлит ва бир бутун асар яратиш имкониятини беради, унга муайян хушбўй ҳид бағишлайди. Айни илғаб олиш мумкин бўлган шу ҳид китобхоннинг ўзини эркин ва енгил ҳис қилишга мажбур қилди. Яна шу ўринда ўзи учун “Мангу хотин” китобини ёзиш жараённида 62 моддали талаб ишлаб чиққанини ёзади. Юқоридаги қоида ҳамда китоб ёзиш учун белгиланган моддалар бадиий асалда муаллиф қўллаётган психологик манеранинг назарий асосларини яратар экан, иккинчи бир томондан уларда ўкувчи англаши зарур бўлган асар ғоясининг скелетига ишора ҳам мавжуд. Агар реалист воқеаларни ҳикоя қилиб берса, модерн санъаткор воқеаларни қандай ҳикоя қилиб бераеттанини айтиб беради. Модернизмдан кейинги давр санъаткори ортиқ воқеаларни ҳикоя қилмайди, балки улардан парчалар келтиради холос.³

Ёзувчи яратган асар индивидуал шахс ички дунёсининг акси эканлигини таъкидлар экан Александр Генис ёзади: “Сўнгги йилларда ўқиб чикқанларим орасида энг яхшиларини ажратар эканман, даставвал Кафка кундаликларининг тўла нашрини, Шварцнинг “Тельефон китоби”ни эслайман, лекин улардан ҳам аввал Олешанинг “Видолашув китоби” деган ажнабий асарини тилга олишни истар эдим. Унда адид сюжетнинг мустаҳкам истехомидан ўзини холос этиб, шундай бир эркни жанр учун йўл очадики, бу жанр поэзия билан наср ўртасидаги, ҳужжат билан тўқима, фалсафа билан автобиография, актуаллик билан мангалик ўртасидаги чегарага хотима беришга қодирдир. Бундай “қоришиқ” адабиёт, зотдор араб аргумоғидай қонининг тозалиги билан, бегона нарса аралашмагани билан ажралиб туради.

Уни на ўз сўзларинг билан айтиб бериб бўлади, на бошқа санъат тилига қўчириш мумкин бўлади. Ўз қобигига ўралиб олган сўз санъати ўз бағрида шундай бир ноёб нарсани асраб қоладики, бу нарсани қалбакилаштириб бўлмайди. У дастхатга ўхшаш бетакрор адид овозидир. Ҳамма нарсадан ҳам кўра бизга шу овоз қадрли, бугун бизни кўпроқ асарнинг ноёблиги эмас, балки ижодкор шахсининг ноёблиги ҳаяжонга солади.⁴ Энг баркамол муҳтасарлик, матннинг энг олий даражада маънодорлиги- услубий восита эмас, конструктив усулдир. Бу ғарб ҳикматларига хос муҳтасарлик эмас - ғарб ҳикматларида кўп сўзлар билан айтиш мумкин бўлган фикрни кам сўзлар билан айтишади. Бу - японларнинг танкаси ва коккусининг муҳтасарлигидирки, унда олам ҳақидаги тасаввур берилмайди, балки оламнинг ўзи янгидан яратилади-қўйилади. Менделштам ўз замонаси учун ҳайрон қоларлик даражадаги зийраклик билан шундай ёзган эди: “Атомистик санъатнинг севимли шакли бўлмиш танка миниатюрадай эмас, унда кўлам йўқ, чунки унда ҳаракат йўқ. У дунёга ҳеч қандай муносабатда бўлмайди, чунки унинг ўзи дунёдир”. Шарқ шеърияти воқеликни кўз ўнгимизда мана мен дегандек яққол кўрсатиб беради ва уни бир лаҳзада идрок этишга имкон беради. Моҳиятан бу шеърият забонсиз иш тутишни ўрганиб олган.⁵

Америка синологи Стивен Оуэн Ғарбда Шарқ эстетикасининг энг яхши талқинчиларидан бири ҳисобланади. У ёзади: “Хитой шеърияти деразага ўхшайди - олисдан қоронғи кўринади, яқиндан эса ёришиб кетади. Хитой шеъриятининг қаҳрамонлари- товушлар ва соялардир. Улар бизни шоирнинг “ғойиб бўлган манбаси” сари етаклайдилар.”⁶ Ўз даврида Платон йўқлиқдан борлиққа ўтишни туғдирадиган ҳамма нарсани ижод деб атаган эди. Ижод нафақат борлиқни

яратади, туғдиради, балки янги борлиқни яратишни ҳам кашф қиласади.

ХУЛОСА

Бадий тафаккур янги поэтик ранглар орқали дунёни кашф қилиш, бинобарин, янги дунёни яратиш демакдир. Бироқ уни ўрганиш учун ҳам алоҳида тайёрғанлик зарур. Н.Г.Чернишевскийнинг фикрича, реализм асарида “санъаткор мутафаккирга айланади ва санъат илмий аҳамият касб этади”

Тургенев тасвир санъатини бенуқсон ва бетакрор эгаллаган эди, у мавзуларни шу қадар чуқур ўйлаб чиқар ва ҳар томонлама пишитар эдики, уларни тўғридан тўғри қофозга кўчиравериш мумкин эди, лекин шундай бўлсада унинг бадий тафаккурини белгилайдиган нарса фактдан кўра кўпроқ кайфият воситалари бўларди. Ҳақиқий санъат асарлари ҳамиша гўзал ва ҳаётий бўлиб қолаверар экан реализм билан романтизм ўртасидаги фарқ ёзувчи ўз олдига қўядиган асосий мақсад билан белгиланади: биринчи навбатда китобхонни қизиқтириб, кўнглини чоғ қилишни мақсад қилиб олган ёзувчи романтик бўлади; тасвирлаётган нарсасини биринчи навбатда кўрсатиб беришни ёки агар истасангиз талқин қилиб беришни мақсад қилиб олган ёзувчи реалистдир. Адабиётда танқидий реализм даври ҳаётга жуда яқин, янги ҳикоя, қисса, роман ва драма каби адабий турларнинг кенг ривожи билан ҳам боғлиқ. Реализм ҳаётдан нусха кўчириш эмас, ҳаётни фикр “элаги”дан ўтказиб, унинг “мағзини чақиб” тасвир этишини талаб қиласади. Реалист ёзувчи типиклаштириш ва индивидуаллаштириш усулларидан фойдаланди. Реализм асарида ҳаёт конкрет шахсларнинг (образлар ва хараккетларнинг) ишонарли тақдири манзараси тарзида ўқувчи кўз олдида намоён бўлади.

В.Г.Белинский реализм асарида фан билан санъат қўшилиб кетишини, реалистик роман кишига тарих асари берганидан кўра тўғрироқ ва чуқурроқ тасаввур беришини таъкидлаган. Поэзия (адабиёт) воқеликни ижодий равища қайта тиклаб тасвирлашдир. Ҳаққонийлик ва бадий таъсирчанлик (Белинский таъбири билан айтганда “қалбларни ларзага солиш”) реализмнинг икки муҳим талабидир. Бадий адабиётда ижодий метод ва поэтик маҳорат мутаносиблиги борасида айтилган фикрлар адабий ижод ва бадий жараённи тўғри тушуниш, унинг юксак ғоявий имкониятларини ҳис қилишга ёрдам беради.

REFERENCES

1. Стоун Ирвин. Биографик қисса ҳақида // Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида- Т.: Маънавият 2010.
2. Генис Александр. Қалб фотографияси// Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида- Т: Маънавият 2010.
3. Голсуорси Жон. Олти адибнинг қиёфасига чизгилар// Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида.-Т.: Маънавият. 2010. 56-б.
4. История американской литературы в 2-томах част 1-ая –М.: 1971. стр.55.
5. История американской литературы в 2-томах част 1-ая –М.: 1971. стр.60.
6. Адабиёт назарияси. 2 жилдлик. 2-жилд. –Т.: Фан. 1979. 410-б.